Биография

Абдували Бердиалиев



Тожикистон ва Қирғизистон республикалари халқ маорифи аълочиси, филология фанлари доктори, профессор Абдували Бердиалиев 1939 йилнинг 10 мартида Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоятининг Киров (ҳозирги Бешариқ) туманида оддий деҳқон оиласида таваллуд топган. 1957 йили тумандаги Муқимий номли 17-сон ўрта умумтаълим мактабини битиргач, шу йили С.М.Киров номидаги Ленинобод давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга киради. Институтни 1962 йилда муваффақиятли битиргач, Рудакий (собиқ Ленин) туманига йўлланма билан ишга юборилади. Туманнинг “Конституция” номли саккиз йиллик умумтаълим мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанлари ўқитувчиси сифатида фаолият юритади.

А.Бердиалиев фаолиятини 1966 йилнинг январь ойидан Ленинобод давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчи сифатида иш бошлайди.

А.Бердиалиев 1967-1970 йиллари Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) қошидаги аспирантуранинг кундузги бўлимида таҳсил олади. Таниқли тилшунос олим, проф. Айюб Ғуломов раҳбарлигида “Ўзбек тилида сўз ясовчи қўшма аффикслар” мавзусида илмий тадқиқот олиб боради. Бу тадқиқот натижалари 1970 йили номзодлик диссертацияси мақомида якун топади ва ТошДУ қошидаги номзодлик илмий даражасини бериш учун ихтисослашган Илмий Кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилинади. Диссертацияга расмий оппонентлар проф. А.П.Ҳожиев, доц. И. Қўчқортоевлар бўлган.

Олимнинг иш фаолияти 1970 йилдан яна С.М.Киров номидаги Ленинобод давлат педагогика институти тарих-филология факультетида давом этади. Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида қисқа муддат катта ўқитувчи, сўнгра доцент лавозимларида ишлайди.

Биография



А. Бердиалиев 1988 йили “Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гапларида парадигматик ва синтагматик муносабатлар” мавзусидаги докторлик диссертациясини Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тилшунослик илмий-текшириш институти қошидаги Илмий кенгашда ҳимоя қилади. Профессорлар М.З.Закиев, М.Асқарова, А.Нурмоновлар диссертацияга расмий оппонентлик қилганлар. Олимга Россия Федерацияси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Аттестацион комиссия томонидан 1990 йили профессорлик унвони берилади. А.Бердиалиев 1993 йили ўзбек филологияси факультетида умумий тилшунослик кафедрасига асос солади, унинг мудири сифатида фаолият юритади. Сўнгра 1993 йилдан 1997 йилга қадар ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошкаради.

Олимнинг докторлик диссертацияси мундарижасидаги айрим параграфлар кейинчалик унинг бир қатор шогирдлари томонидан номзодлик диссертациялари мақомида чуқурлаштирилиб, кенгайтирилади. Б.Шероновнинг “Ўзбек тили гап қурилишида лисоний ортиқчалик” (Тошкент, 1996), Ф.Ҳамроқуловнинг “Управление в узбекском и русском языках” (Хўжанд, 2001), С. Иноятовнинг “Ўзбек тилида предикатив муносабат” (Тошкент, 1998), Э.Эшмуродовнинг “Ўзбек тилида тобедошлик алоқаси” (Хўжанд,2004), Б.Нишоновнинг “Сочинительная связь в узбекском языке: конъюнкция и дизъюнкция” (Хўжанд, 2007) ва ҳ.к. тадқиқотлар шулар жумласига киради. Шунингдек, олим тадқиқотларининг натижалари олий ўқув юртлари филология факультети талабалари учун ёзилган бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам ўз ифодасини топган. Профессорлар А. Нурмонов ва Н. Маҳмудовларнинг “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис” (Тошкент, 1996), Самарқанд давлат университети профессори Б. Ўринбоевнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси” (Самарқанд, 2004) ўқув қўлланмаларида А. Бердиалиев тадқиқотларининг асосий мазмуни сингдирилган.

Биографий



Олим ўзбек тили мазмуний синтаксисига (семантический синтаксис) асос солган тилшунослардан бири ҳисобланади.

А.Бердиалиевнинг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистон, Тожикистон ва Кирғизистон Республикалари Илмий кенгашларида 40 га яқин докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя килинган. Унинг бевосита ҳакамлигида ҳимоя қилинган докторлик ва номзодлик диссертациялари миқдори ҳам қирққа яқин.

А. Бердиалиев хозирги вақтда Хўжанд давлат университети ўзбек тили, унинг таълими методикаси кафедраси профессори лавозимида фаолият юритмокда.

Асарлари:

1970 Словообразующие сложные аффиксы в узбекском языке. Автореферат канд. диссертации. Ташкент. –С.24.

1987 Эргаш гапли қўшма гаплар назарияси бўйича методик қўлланма. Тошкент. 80 б. (Ҳаммуаллиф: С.Ризаев).

1988 Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматика в конструкциях сложноподчинённого предложения узбекского языка. Автореферат докторской диссертации. Ташкент. 50 с
Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гапларининг назарий масалалари бўйича методик тавсиянома.Ўзбекистон маориф вазирлиги Республика олий ва ўрта ўқув юртлари методик кабинети. Тошкент 86 б.
«Ҳозирги ўзбек адабий тили». Схема ва таблицалар. Фонетика ва лексикология. Ленинобод (Ҳаммуаллиф: Ҳ.Мамадов).

1989 Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Монография –Тошкент: Фан, 108 б.
Синтагматические основы структуры сложноподчинённоых предложения узбекского языка. Монография. Депонир. –М.: ИНИОН АН СССР (№ 38569 100с.)
Ўзбек тилида омоним моделли эргаш гапли қўшма гаплар.Монография –Тошкент: Фан, 112 б.

1990 Ўзбек тили сўз бирикмалари синтаксиси. Махсус курс. Филолог-студентлар ва ўрта мактаб ўзбек тили ўқитувчилари учун методик қўлланма. Ленинобод, 60 б.
Ўзбек тили парадигматик синтаксиси. Схема ва программа. Педагогика институтлари филология факультети студентлари ва ўрта мактаб ўзбек тили ўқитувчилари учун методик қўлланма. Ленинобод, 64 б.

1991 Ўзбек тили синтактик парадигматикаси асослари. Педагогика институтларининг ўзбек филологияси факультети студентлари учун махсус курс. Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги. Жумҳурият ўқув-методик маркази. Тошкент, 50 б.

1993 Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гапларида синтактик алоқа ва синтактик муносабатлар. Монография. Тошкент: Университет нашриёти, 94 б.
11. Ўзбек тили сўз бирикмалари синтаксисининг баъзи масалалари. «Ҳозирги ўзбек адабий тили»дан махсус курс. Хўжанд, 92 б.

Асарлари:

1996

Сўздаги сеҳр. Тошкент, 80 б.

1998

Лисоний ортиқчалик ва гап бўлакларининг ажратилиши. Монография. Хўжанд, 110 б. (Ҳаммуаллиф:Б.Шеронов).

2006

Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан тест-синов топшириқлари. 1 – қисм. Бишкек, 70 б. (Ҳаммуаллиф: Б.Нишонов).

2011

Ўзбек ва тожик лисоний алоқалари. Ўқув қўлланма. Душанбе: «Ирфон», 112 б.(Ҳаммуаллиф Р.Хидиров).

Ўзбек тили синтаксиси. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари филология факултетлари талабалари учун дарслик. Хўжанд, 210 б.(Ҳаммуаллиф Б.Шеронов).

2012

Сўзлар оламига саёҳат. Хўжанд: Нури маърифат, 100 б.

Синтактик алоқалар мавзусининг умумтаълимдаги аҳамияти. Хужанд: Нури маърифат, 90 б. (Ҳаммуаллиф: К. Мавлонова).

Основы сопоставительной грамматики узбекского и русского языков. Учебное пособие для студентов филологических факультетов вузов. Хужанд: Раҳим Чалил, С. 156. (Соавтор: О.Мавлонбердиева).

Ўзбек ва тожик лисоний алоқалари. Тест-синов топшириқлари мажмуаси. Хўжанд, 80 б.

2013

Сўз таркиби ва шакл-маъно номутаносиблиги. Монография. Бишкек, 164 б.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фразеология. Лексикография. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Душанбе. 210 б. (Ҳаммуаллиф: Р.Хидиров).

Ўзбек тили синтаксиси. Тест-синов топшириқлари мажмуаси 1. Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланмаси. Хужанд, 168 б.

Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-қўлланма. Хўжанд, (Ҳаммуаллифлар: Ў.Сатторов, Б.Жабборов, М.Юнусова). 150 б.

Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик-қўлланма. Хўжанд,. (Ҳаммуаллиф: Р.Хидиров).

Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 10-синфи учун дарслик-қўлланма. Хужанд, (Ҳаммуаллифлар: Б.Жабборов, Т.Абдуллаева).

Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик-қўлланма .Хўжанд, (Ҳаммуаллиф: К.Қўчқоров)..

Асарлари:

2014

Ўзбек тили синтаксиси. Олий ўқув юрти ўзбек тили ва адабиёти бакалаврлари учун қўлланма. Хўжанд: Раҳим Чалил, 160 б.

Ўзбек тили синтаксиси. Тест-синов машқлари мажмуаси. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари ўзбек тили ва адабиёти бакалаврлари учун ўқув қўлланма. Хужанд: Р.Жалил, 170 б.

Умумий тилшунослик. Тест-синов машқлари мажмуаси. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари филология факультети бакалаври учун ўқув қўлланмаси. Хужанд: Нури маърифат, 90 б.

Основы синхронно-нормативной грамматики русского и узбекского языков. Бишкек: Мектеп, (Соавтор Ш.Эржигитова). 156 с.

Ўзбек тили лексикологияси ва фразеологияси. Тест-синов машқлари мажмуаси. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари ўзбек тили ва адабиёти бакалаври учун ўқув қўлланма. Хўжанд: Р.Жалил, 160 б.

Ўзбек тили. Тест-синов машқлари мажмуаси. Ўрта умумтаълим мактабларининг она тили фани ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари учун қўлланма. Хўжанд, 140 б.

Қўчқоров К. Билан ҳаммуаллифликда. Ўзбек тили 11-синфлар учун дарслик-қўлланма. Хужанд

Ўрта умумтаълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-қўлланма. Хўжанд, 140 б. (Ҳаммуаллифлар С.Қорихонов, М.Иброҳимов).

Сатторов Ў., Ўринбоев М. билан ҳаммуаллифликда. Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-қўлланма. Хўжанд, 140 б.

Шарипов Т., Илёсов С. билан ҳаммуаллифликда Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик-қўлланма. Хўжанд, 178 б.

Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-қўлланма. Қайта ишланган 2-нашри. Хўжанд, 130 б. (Ҳаммуаллифлар: Ў.Сатторов, Р.Хидиров).

Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик-қўлланма. Қайта ишланган 2-нашри. Хўжанд, 132 б. (Ҳаммуаллиф: К.Қўчқоров).

Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 10-синфи учун дарслик-қўлланма. Қайта ишланган 2-нашри. Хўжанд, 128 б. (Ҳаммуаллифлар: Б.Жабборов, Т.Абдуллаева)

Ўзбек тили. Ўрта умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-қўлланма. Қайта ишланган 2-нашри, Хўжанд, 132 б. (Ҳаммуаллифлар: Ў.Сатторов, Б.Жабборов, М.Юнусова).

Асарлари:

2015

Общее языкознание. Хўжанд, 160 с.(Соавтор Ф.Хамракулов).
Ўзбек синхрон социолингвистикаси. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари филология факултетларининг бакалавриат ва магистратура йўналиши учун дарслик қўлланма. Хўжанд, 196 б.
Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфемика. Сўз ясалиши.Морфонология. Хўжанд, 160 б.
Умумий ўрта таълим мактабларида синтаксисни ўқитиш масалалари. Тошкент, 120 б.(Ҳаммуаллиф Д.Ҳасанова).

2016

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Хўжанд, 180 б.
Основы нормативной грамматики узбекского и русского языков. Худжанд, 120 с.(Соавтор М.А.Бердиалиева).

2017

“Подшо”ликка чек қўйган “почча”лар. Хўжанд: «Меърож», 120 б.
Аёллар оламига лисоний саёҳат. Хўжанд, 80 б.

2018

Основы общего языкознания. Учебное пособие для студентов филологических факультетов университетов и педвузов. Бишкек, 200 с. (Соавтор А.А.Машрабов).
Ўзбек ва тожик лисоний алоқаси асослари. Фарғона, 112 б (Ҳаммуаллиф М.Зокиров).

2019

Ўзбек тили синтактик қурилиши асосининг парадигматик тизими. (Ўқув қўлланма).Хўжанд, 80 б.
Ўзбек ва тожик контрастив тилшунослиги асослари. Ўқув қўлланма, Хўжанд, 130 б.
Ўзбек тилида таркиби синтагматик номутаносиб сўз бирикмалари. Монография. Хўжанд:”Меърож”, 120 б.
Тенг алоқали гапларда конъюнкция ва дизъюнкция муносабатлари. Хўжанд: Меърож»,150 с. (Соавтор Б.Нишонов).
Ўзбек тили. 9-синф учун дарслик. Душанбе,150 б.(Ҳаммуаллиф Р.Хидиров).

2021

A. Hozirgi o’zbek adabiy tili. Darslik. Toshkent “TURON-ICBOL” (Hammuallif – Ermatov I.)

Copyright © 2022
All Rights Reserved.